



## IMOM MOTURIDIY

XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI

INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

المراكز الدولي للبحوث العلمية

Jurnalga maqolalar qabul qilish  
uchun maxsus veb-sayt:

[www.maturidijournal.uz](http://www.maturidijournal.uz)

+998971 244-35-36  
 @moturidiyuz

[www.moturidiy.uz](http://www.moturidiy.uz)  
[info@moturidiy.uz](mailto:info@moturidiy.uz)

Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal

ISSN 2181-1881



# MOTURIDIYLIK

الماطريديّة - THE MATURIDIYYA - МАТУРИДИЗМ

Narsalarning asl mohiyatini  
bilishga olib boradigan yo'llar - hissiy anglash,  
rost xabar va aqldir.



2/2023

# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريديّة - Матуридизм



## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

**Музаффар КОМИЛОВ** – тарих фанлари номзоди, доцент

**Нуридин ХОЛИҚНАЗАРОВ** – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

**Шоазим МИНОВАРОВ** – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори

**Давронбек МАХСУДОВ** – тарих фанлари доктори, доцент

**Зоҳиджон ИСЛОМОВ** – филология фанлари доктори, профессор

**Аҳаджон ҲАСАНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор

**Шовосил ЗИЁДОВ** – тарих фанлари доктори, доцент

**Жамолиддин КАРИМОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Аҳмад Саъд ДАМАНҲУРИЙ** (أحمد سعد الدمنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори

**Махмуд Эрол ҚИЛИЧ** (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCICA Бош директори

**Назир Мухаммад АЙЁД** (نظیر محمد عیاد) – илоҳиёт фанлари доктори, Ал-Азҳар мажмуаси Ислом тадқикотлари академияси Бош котиби

**Режеп ТУЗЖУ (Recep Tuzcu)** – илоҳиёт фанлари доктори, профессор, Салжук университети ҳузуридаги Имом Мотуридий тадқикот маркази директори

**Аширбек МУМИНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор, IRCICA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчиси

**Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ (Kamaluddin Nurdin Marjuni)** – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра мудири

**Дониёр МУРАТОВ** – тарих фанлари номзоди, доцент

**Одил ЭРНАЗАРОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ўзбекистон Республикаси Дин ишилари бўйича қўмитасининг 2023 йил 8 июнъдаги 03-07/4601-сонли хуносаси асосида тайёрланди.



**Муассис:**

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

Бош муҳаррир:

**Жамолиддин Каримов,**

*Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Масъул муҳаррир:

**Зафар Фахриддинов,**

*Исломшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Саҳифаловчи:

**Зарифжон Арслонов**

Дизайнер:

**Зарифжон Ғуломов**

“Мотуридийлик” журнали  
Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг 2021 йил 30 декабрдаги 310/10-сон қарори билан диссертация асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журнал 2021 йил 12 декабря Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан №1139 раками билан рўйхатга олинган.

**Таҳририят манзили:**

Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани,  
Абдулла Қодирий кўчаси, 11-й.

**E-mail:** maturidijournal.uz

**Web-sahifa:** info@moturidiy.uz

Телефонлар: (+99871) 244-35-21,

(+99871) 244-35-47

## МУНДАРИЖА

### ИСЛОМШУНОСЛИК

#### Ibrohim Usmonov.

Шариат ва тасаввуф: герменевтик ёндашувлар (Ҳаким Термизий асарларида юридик герменевтика) ..... 4

#### Zafar Fakhreddinov.

Ҳаким Термизийнинг тафсир ва таъвил борасидаги қарашлари ..... 13

#### Numonjon Turayev.

Имом Бухорийнинг “ат-Тарих ал-кабир” асаридаги “тафарруд ар-ровий”га доир услуби ..... 20

#### Doston Mustafayev.

“Хошия ала ал-Кашшоф” асарининг тафсиршунослиқдаги аҳамияти ..... 28

### ДИНШУНОСЛИК

#### Komiljon Shermukhammedov.

Мисрдаги “Мусулмон биродарлар” таъсирида шаклланган экстремистик ҳаракатлар: қиёсий таҳлил ..... 36

#### Shukrullo Jurayev.

Муҳаммад Шайбоний асарларида тинчлик тамойилларининг акс этиши ..... 46

#### Dilfuza Zakirova.

Динлардаги таъқиқ тушунчасига доир қарашлар таҳлили ..... 55

#### Elyorjon Saminov.

Радикализм – экстремизм ва терроризмга элтувчи сўнгги босқич ..... 63

### ИСЛОМ ТАРИХИ

#### Muzaffarkhon Joniyev.

Совет даврида Ўрта Осиё мусулмонларининг ҳаж сафарлари (1920-1930 йиллар) ..... 70

#### Oybek Sotvoldiyev.

Табақот жанрининг юзага келиш ва ривожланиш тарихи ..... 80

#### Sayqal Ahmedov.

Мовароуннаҳр мўғуллар хукмронлиги даврида ..... 87

### ИСЛОМ МАНБАШУНОСЛИГИ

#### Doniyor Muratov.

Абдуллоҳ Субазмуний ва унинг “Кашф Ал-Осор” асари ..... 94

#### Mas'udkhon Ismoilov.

Хожа Муҳаммад Порсо “Ҳафтоду се фирмә” рисоласининг исломдаги фирмаларни ўрганишдаги аҳамияти ..... 104

#### Zokhidjon Abdullayev.

Имом Бухорийнинг “Халқ афъол ал-ибод” асари ва унинг ёзилиш услублари ..... 112

#### Saidmuhammadkhon Muhibullayev.

Камолиддин Баёзий Таржимаи ҳоли ва яшаган давридаги илмий, ижтимоий ва сиёсий муҳит ..... 122

#### Maftuna Muminova.

Navoiy asarlarida ustoz-shogird g‘oyalarining manbaviy va milliy asoslari ..... 130

#### Malika Nosirova, Saidakhon Asqarova.

Mahmud Zamaxshariyning “al-Mufassal fi san’at al-e’rob” asaridagi she’riy parchalar tasnifi ..... 137

**Komiljon A. SHERMUHKHAMMEDOV,**  
*International Islamic Academy of Uzbekistan,  
UNESCO Department for Religious Studies and  
Comparative Study of World Religions,  
Acting Associate Professor:  
A.Kadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.  
E-mail: shermuhamedov@mail.ru*

**DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023-2/5**

**МИСРДАГИ “МУСУЛМОН  
БИРОДАРЛАР” ТАЪСИРИДА  
ШАКЛЛАНГАН ЭКСТРЕМИСТИК  
ХАРАКАТЛАР: ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ**

**EXTREMIST MOVEMENTS FORMED  
UNDER THE INFLUENCE OF THE  
“MUSLIM BROTHERHOOD” IN EGYPT:  
A COMPARATIVE ANALYSIS**

**ЭКСТРЕМИСТСКИЕ ДВИЖЕНИЯ,  
СФОРМИРОВАННЫЕ ПОД ВЛИЯНИЕМ  
“БРАТЬЕВ-МУСУЛЬМАН” В ЕГИПТЕ:  
СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ**

**КИРИШ**

XX аср охири XXI аср бошига келиб, Миср Араб Республикасида янгича геосиёсий манзара вужудга келди. 1928 йилда пайдо бўлган “Мусулмон биродарлар” каби ҳаракатлар турли геосиёсий манфаатлар тўқнашувидан фойдаланган ҳолда замонавий муҳит ва шароитга мослашиб борди. Шу сабабли, мазкур ташкилот ўтган XX асрда мамлакатдаги энг таъсирчан радикал кучлардан бири сифатида фаолият юритди. Бунда Мисрдаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликка эришишда ушбу феноменни назардан четда қолдирмаслик керак.

Мутахассисларнинг фикрича, XX аср ўрталарида замонавий кўринишдаги экстремистик ва террорчи ташкилотларнинг юзага келишида ҳам асосан “Мусулмон биродарлар” ҳаракати томонидан илгари сурилган қўйидаги ғоялар сабаб бўлди:

– ислом дини тугалланган ва барча замонларга мос бўлиб, уни давлатдан ажратиш нотабии жараёндир. Бошқарув фақатгина ислом тамоиллари асосида амалга оширилиши керак;

– салафи солихлар барча мусулмонлар учун намуна бўлиб, мусулмонлар ўша давр ҳаёт тарзига қайтишлари зарур;

– ислом динига асосланган ҳокимиятни бутун дунёда ўрнатиш ва барча мусулмон диёрларида сultonликни тиклаш керак;

– ислом тартиб қоидаларини фақатгина “жиход” орқали ўрнатиш мумкин. Бунда ислом манфаатлари йўлида кураш олиб бориш барча мусулмонларнинг мажбурияти бўлиши лозим (Ражбадинов М. 2003).

**АСОСИЙ ҚИСМ**

Мазкур тадқиқот ишида “Мусулмон биродарлар” уюшмаси асосида шаклланган диний-сиёсий ташкилотларни аниқлаш ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини қиёсий ўрганиш мақсадида Мисрда пайдо бўлган энг хавфли ва кенг тарқалган қўйидаги оқимларнинг фаолият услублари, ташкилий тузилмаси, ғоявий асослари, ўналишлари таҳлил этилди:

1. “Шабоб Муҳаммад” (“Муҳаммад ўғлонлари”, شباب محمد) 1939 йилда “Мусулмон биродарлар” диний-сиёсий ташкилотининг аъзоси бўлган Маҳмуд Абу Зайд Усмон исмли шахс мазкур ҳаракатга асос солган (Жамоат Шабоб Муҳаммад). У “Мусулмон биродарлар” уюшмасининг “Маслаҳат кенгаши”да қарорлар қабул қилинишини тан олмайди. Натижада асосан ёшлардан иборат бўлган ушбу гурӯхни ташкил этиди.

1970 йилларда “Шабоб Муҳаммад” ташкилотига асли фаластинлик бўлган Солих Абдуллоҳ Саррия раҳбарлик қилди. Унинг қарашлари Сайид Кутбнинг фикрларига монанд радикал ғоялар асосида 1973 йилда Мисрда нашр этилган “Имон ҳақида рисола” (رسالة الإيمان) номли китобида баён қилинган (Риёд Ҳасан Муҳаррам).

У ҳарбийлар ёрдамида Мисрда мавжуд тузумга қарши исён кўтариш мақсадида режа ишлаб чиқди. Унга мувофиқ, давлат тўнтариши 1974 йил 18 апрелда Қохира шаҳридаги Ҳарбий-техника академия биносини эгаллашдан бошланиши керак эди. Саррия ушбу академиянинг айrim талabalari онгини аллақачон эгаллашга эришган бўлиб, талabalар ёрдамида академияга бостириб киради ва қурол-аслаҳа омборини кўлга киритмоқчи бўлади. Бироқ ҳарбийлар томонидан уларга каттиқ қаршилик кўрсатилади ва ушбу амалиёт муваффақиятсизликка учрайди. Бу тўқнашув натижасида 24 нафар киши ҳалок бўлиб, 34 нафари жиддий жароҳат олди. Саррия

**Аннотация.** Мақолада Мисрдаги “Мусулмон биродарлар” таъсирида шаклланган “Шабоб Мұхаммад”, “ат-Такфир вал-хижра”, “ал-Жамоат ал-исломия”, “ал-Жиход” ҳамда Марказий Осиё минтақаси, хусусан, Ўзбекистонда фаолияти кузатылған “Хизбут-тахрір ал-исломий” каби диний-сүйесій ташкилоттарнинг фаолият услублари, іўналишилари, гояларининг ўзаро боғлиқтеги қиёсий очиб берилганд. Үнда “Мусулмон биродарлар”нинг нафақат Мисрда, балки бошқа давлатларда шу ном билан боғлиқ гурӯхлар ёки уларнинг іўналишига мос, аммо номланиши турлича бўлган уюшмалар таркибида ҳам фаолият олиб боргани кўрсатиб ўтилган.

“Мусулмон биродарлар”нинг таркибий тузилмаси замонавий террорчи ташкилотлар учун ўзига хос намунаға айланғани ҳам таҳлиллар орқали ёритилған. Шунингдек, “Мусулмон биродарлар” ҳаракати Жазоир, Судан, Сирія, Кувайт, Либан, Тунис, Иордания, Ливія, Покистон каби давлатларда экстремистик ва террорчи ташкилотлар пайдо бўлишига ҳам асос бўлиб хизмат қилгани баён қилинганд.

**Калим сўзлар:** Мусулмон биродарлар, Шабоб Мұхаммад, ат-Такфир вал-хижра, ал-Жамоат ал-исломия, ал-Жиход, Марказий Осиё, Хизбут-тахрір ал-исломий

**Abstract.** The article comparatively reveals the interdependence of the following religious-political organizations' activities, directions, ideas, in particular; “Shabab Muhammad”, “al-Takfir wal-hijra”, “al-Jamaat alislamiyyah”, “al-Jihad” formed under the influence of “Muslim Brotherhood” in Egypt, and “Hizb at-tahrir alislami” whose activity was observed in the Central Asian region, in particular in Uzbekistan. It shows that the “Muslim Brotherhood” was active not only in Egypt, but also in other countries as part of groups related to the same name or associations that correspond to their direction, but with different names.

The article also analyzes the fact that the structure of the Muslim Brotherhood has become a unique model for modern terrorist organizations. It was also stated that the “Muslim Brotherhood” movement served as a basis for the emergence of extremist and terrorist organizations in countries such as Algeria, Sudan, Syria, Kuwait, Lebanon, Tunisia, Jordan, Libya, and Pakistan.

**Keywords:** Muslim Brotherhood, Shabab Muhammad, al-Takfir wal-hijra, al-Jamaat alislamiyyah, al-Jihad, Central Asia, Hizb at-tahrir alislami.

**Аннотация.** В статье представлен сравнительный анализ деятельности, методов работы, направлений, взаимообусловленности идей таких религиозно-политических организаций, как “Шабаб Мұхаммад”, “ат-Такфир вал-хиджра”, “Аль-Джамаат ал-исламия”, “Аль-Джихад”, сформировавшихся под влиянием “Братьев-мусульман” в Египте, а также “Хизб ат-тахрір аль-ислами”, деятельность которой наблюдалась в Центральноазиатском регионе, в частности в Узбекистане. “Братья-мусульмане” действовали не только в Египте, но и в других странах в составе групп с одним и тем же названием или объединений, соответствующих их направлению, но с разными названиями.

В статье также анализируется тот факт, что структура “Братьев-мусульман” стала уникальной моделью для современных террористических организаций. Было установлено, что движение “Братья-мусульмане” послужило основой для возникновения экстремистских и террористических организаций в таких странах, как Алжир, Судан, Сирия, Кувейт, Либан, Тунис, Иордания, Ливия, Пакистан.

**Ключевые слова:** Братья-мусульмане, Шабоб Мұхаммад, ат-Такфир вал-хиджра, аль-Джамаат аль-исламия, аль-Джихад, Центральная Азия, Хизб ат-тахрір аль-ислами.

ва унинг тарафдорлари қўлга олинди. Миср ҳукумати томонидан уларнинг айримларига узок муддатли қамоқ жазоси берилди, баъзилари эса қатл этилди.

Айнан ушбу воқеадан сўнг, “Шабоб Мұхаммад” ташкилоти “Ҳарбий-техника академия гурухи” (جامعة كلية الفنية العسكرية) деб ҳам номланган (<http://soutelomma.org/NewsDetails.aspx?NID=3654>). 1980 йилда “Шабоб Мұхаммад” харакатининг фаолияти қатъий таъқиқланди.

1. “Ат-Такфир вал-хижра” (“Куфрда айблаш ва ҳижрат қилиш”, التکفیر والهجرة) ёки “Жамоат ал-муслімін” (“Мусулмонлар жамоати”) террористик ташкилоти 1967

йилда юзага келган. Унинг пайдо бўлиши 1954 йили Миср Президенти Жамол Абдул Носирга уюштирилган сүиқасд иши юзасидан ҳибсга олинган “Мусулмон биродарлар” аъзоларига бориб тақалади (Мониъ ибн Ҳаммод ал-Жуханий, 2003:333).

## МУҲОКАМА

“Ат-Такфир вал-хижра” оқимининг асосий гояларини 1942 йил Мисрнинг Асют вилоятида туғилган Шукрий Аҳмад Мустафо томонидан ишлаб чиқилган. Баъзи манбаларда унинг 1937 йилда туғилгани қайд этилган (Коровиков А.,

1990:92). У Асъют университетининг қишлоқ хўжалиги факультети талабаси бўлган. 1965 йилда “Мусулмон биродарлар”нинг ёш аъзоси саналган Шукрий Мустафо жамоа варақаларини тарқатишда айбланиб ҳибсга олинган эди. Қамоқхонада “Мусулмон биродарлар” харакатининг ғоявий асосчиси ҳисобланган Сайид Кутбнинг китобларини ўқийдиган ва унинг ғояларини қўллаб-кувватлайдиган маҳкумлар кўпчиликни ташкил этарди. Улар ўша вактдаги ҳукуматни рад этиб, давлат раҳбарини куфрда айблашган эди.

Бу ишларнинг бошида Али Исмоил исмли шахс турган. Кейинчалик у ўз фикридан қайтгач, қамоқда Шукрий Мустафо бошқарувни қўлга олди. Бунда Шукрий Мустафо томонидан бир неча халқалар тузилиб, кейинчалик маҳкумлар орасида ҳам тарғибот ишлари фаоллашди.

У қамоқхонадаги ёшлардан иборат “Мусулмон жамоаси”ни тузиб, ўз шогирдлари орасида, кейинчалик “ат-Такfir вал-Хижра” оқимининг асосий ғоясига айланган, кишиларни “куфр”да айблаш ва уларга қарши “жиход” қилиш фикрини тарғиб қилди (Салоҳ Абу ас-Саъуд, 2005:252).

1971 йили озодликка чиқкан Шукрий Мустафо Асют университетининг қишлоқ хўжалиги факультетида ўқишини давом эттириш имконига эга бўлиб, ўша ерда ўз атрофига талabalарни тўплай бошлади. Ҳаракат низомини ишлаб чиққач, ўзини “мўъминларнинг амири”, деб эълон қилди (Мониъ ибн Ҳаммод ал-Жуҳаний, 2003:333). Шу тариқа, “Мусулмон биродарлар” сафларида биринчи жиддий ажralиш рўй берди ва Шукрий Мустафо бошчилигидаги бир қисми уюшмадан чиқиши тўғрисида баёнот берди. 1972 йилдан “ат-Такfir вал-Хижра” жамоаси тўлиқ шаклланди ва “хорижийларнинг навбатдаги қўзғолони”, деб юритила бошланди. Мисрлик тадқиқотчи олимларнинг аксарияти “ат-Такfir вал-Хижра” ташкилотини Сайид Кутб мактабининг ғоявий давомчиси деб эътироф этишган (Ёвкочев Ш., 2000:177).

Мазкур жамоанинг иккинчи асосий ғояси бу – “хижрат” ҳисобланади. Мустафо Шукрий фикрича, хижрат – бу Ватандан ажralиш, молдунё, оила ва фарзандларни ташлаб чиқиш, юрт ва қариндошлар билан алоқани узиш ҳамда Аллоҳ йўлида ҳаёт иморатини янги ғиштлар билан қуришдир (Салоҳ Абу ас-Саъуд, 2005:253). Натижада жамоа аъзолари шу ғоялар остида 1975 йил Мисрдаги Миня вилоятидаги тоғ ва ғорларга хижрат қилиб кетганлар.

1977 йил 7 марта жамоа томонидан Мисрнинг собиқ вақф вазири Шайх Ҳасан Заҳабий ўғирланиб, қатл этилди (Бирюков Е., 2000:28). Шундан сўнг, Шукрий Мустафо Миср ҳукумати томонидан қаттиқ таъқиб қилинди. Унинг бошчилигидаги жамоанинг 5 нафар етакчиларини қатл этиш ва юздан ортиқ аъзоларини эса қамоқ жазосига маҳкум этиш тайинланди (Мониъ ибн Ҳаммод ал-Жуҳаний, 2003:334). 1978 йил 19 марта Шукрий Мустафо ва унинг сафдошларига қўйилган жазо ижро этилди. 1991 йилда ҳаракатнинг асосий қисми Суданга кўчиб ўтди.

Баъзи мутахассислар ташкилотнинг фалияти Шукрий Мустафонинг ўлимидан кейин тугаган, деб ҳисоблайдилар. Лекин воқеълик “ат-Такfir вал-Хижра” ўз ҳаракатларини “ал-Қоида” ва шу каби бошқа экстремистик ташкилотлар билан тил биректирган ҳолда бузғунчи ғояларини зўравонлик, куч ишлатиш амалиёти билан кориштириб олиб боришга ҳаракат қилаётганини кўрсатмоқда. Хусусан, бу жамоа томонидан бир қанча қўпорувчилик ишлари содир этилган бўлиб, 2000 йилда 20 нафар кишининг ўлимига сабаб бўлган Судандаги масжидларнинг биридаги отишма, 2004 йилда Мадридда содир этилган қўпорувчилик ҳаракатларини келтириш мумкин ([http://en.wikipedia.org/wiki/Takfir\\_wal-Hijra#Activities](http://en.wikipedia.org/wiki/Takfir_wal-Hijra#Activities)). 2001 йил 11 сентябр воқеаларидан сўнг, “ат-Такfir вал-Хижра” жамоаси АҚШ давлат департаменти томонидан террорчи гуруҳлар рўйхатига киритилган ([http://en.wikipedia.org/wiki/Takfir\\_wal-Hijra#International\\_opposition](http://en.wikipedia.org/wiki/Takfir_wal-Hijra#International_opposition)). Ташкилотнинг майда гуруҳлари ҳозирга қадар Мисрнинг кўпгина минтақаларида фаолият кўрсатмоқда.

2. “Ал-Жамоат ал-исломия” (“Ислом жамоаси”, الجماعة الإسلامية) ташкилоти “Мусулмон биродарлар”дан ажralиб чиқиб, унинг раҳбари Мустафо Ҳамза ҳам Сайид Кутб томонидан тарғиб қилинган ғояларни давом эттириди. Мазкур ташкилот Мисрда жойлашган университетлардаги уюшмаларнинг бирлашиши натижасида ташкил топган. 1975 йил ёзда талabalар гурухининг етакчилари Салоҳ Ҳошим (Асют университети), Иброҳим Заъфарони (Искандария университети), Сайид Абдусаттор (Айн Шамс университети), Усама Абдулазим (Азҳар университети) ва бошқалар бирлашган тузилма тузишга келишиб олдилар (Кудрявцев А.). Унинг етакчилари ташкилотнинг номини XX асрнинг

40-йилларида Покистонда фаолият юритган Абул Аъло Мавдудий бошчилигидаги “ал-Жамоат ал-исломия” ҳаракатидан олишган.

1940-йилларда “Мусулмон биродарлар” ҳаракати асосчиси Ҳасан Баннотомонидан “Ислом давлати концепцияси” ишлаб чиқилган бўлса, Абул Аъло Мавдудий эса унга ҳамоҳанг равишда бундай давлат тузумини “теодемократия”, деб атаган ва у “янги типдаги (яъни ўзига ўхшаган) уламолар томонидан бошқарилиши керак”, деган фояни илгари сурган (Ҳасанов А.).

1977 йилда ташкилот раҳбари лавозимини Нажиҳ Иброҳим эгаллади. Унинг раҳбарлигига “ал-Жамоат ал-исломия”нинг нуфузи нафақат талabalар орасида, балки университетнинг ташқарисида ҳам ошиб борди (<http://mamduhalsikh.friendsofdemocracy.net/default.asp?item=177129>).

Миср ҳукумати ҳам “ал-Жамоат ал-исломия” фаолиятига хайриҳоҳ эди, чунки президент Анвар Садат бу тузilmани ёшлар мухитида сўл кучларга қарши курашадиган ҳақиқий иттифоқчи сифатида кўрар эди. Президентнинг содик сафдоши Муҳаммад Усмон Исмоил ташкилотнинг энг фаол аъзоси ва ҳомийси бўлиб, у 1973 йилда Асют губернатори бўлган эди (Gilles Kepel, 1993:144145). У “ал-Жамоат ал-исломия” раҳбарлари билан бир неча бор учрашиб, бу ташкилотни коммунистларга қарши курашишга чақирав эди. Бу ҳолат эса, ўз навбатида Мисрнинг марказий ва жанубий (Асют, Асвон, Миня) ҳудудларида мазкур ташкилотнинг янада мустаҳкамланишига ва талabalар орасида ўз мавқеига эга бўлишига замин яратди.

1970-йиллар охири 1980-йиллар бошларида Мисрда диний-сиёсий ташкилотларнинг фаоллашуви кузатилди. Бунга асосий сабаб мамлакат президенти Анвар Садатнинг ташкиси сиёsatда Миср ва Истроил билан келишуви (1977 йил ноябрь), Кэмп-Девид келишуvinинг имзоланиши (1978 йил сентябрь) ва Миср-Истроил тинчлик битимининг тузилиши (1979 йил март) мухим аҳамият касб этди. “ал-Жамоат ал-исломия” Анвар Садатнинг бу сиёsatини “Фаластин ишига хиёнат” деб айблаб, ўз ишини тубдан ўзgartiriшга қарор килди.

1980-йилларда “ал-Жамоат ал-исломия” ҳаракатининг фаолияти янада кескин тус олишига Саййид Қутб ғояларинининг қўллаб-қувватлангани ҳам сабаб бўлди ва Карим Зуҳдий бошчилигига куч қўлловчи ҳарбий ҳаракат тузилиб, у қурол-аслаҳа билан таъминланди.

Оқибатда, мамлакатда у энг йирик террорчилик гурухларидан бирига айланди.

Мамлакатнинг ички ва ташкиси сиёsatини кескин қоралаган “ал-Жамоат ал-исломия” аъзоларининг кейинги фаолияти мисрлик христиан-қибтийларга қарши қаратилди. Уларнинг фикрича, шариат аҳкомига кўра, ўзга дин вакилларининг ҳуқуқлари исломий давлатнинг қўл остида бўлиши лозим, ваҳоланки, мамлакатда яшайдиган қибтийлар шу вақтга қадар эркин турмуш тарзида фаолият олиб боришган. “Ал-Жамоат ал-исломия”нинг айловига кўра, қибтийлар христиан динини очиқчасига тарғиб этиб, мусулмонлар фикрини бузмоқдалар (Кудрявцев А.). Юқори Миср ҳудудида азалдан кўп сонли христианлар истиқомат қилгани боис, жамоат аъзолари айнан шу ерда ўзларининг экстремистик фаолиятини кучайтириди ва конфессиялараро низолар келтириб чиқарди.

1980 йилнинг бошларида “ал-Жамоат ал-исломия” ва “ал-Жиҳод” жамоалари ўртасида тарихий учрашув бўлиб, икки гурух бирлашишга аҳд қилишди. Музокарада ҳаракат етакчилари Карим Зуҳдий ва Абдусалом Фараж қатнашиб, бир-бирларини қўллаб-қувватлашга келишиб олдилар.

Мамлакатда 1981 йил 6 октябрда Анвар Садатга суиқасд уюштирилгандан сўнг икки кун ўтгач, “ал-Жамоат ал-исломия” ва “ал-Жиҳод” ҳаракатлари аъзолари Асютда Карим Зуҳдий бошчилигига ҳарбий тўнтаришлар уюштиришди. Бунда шаҳарнинг асосий объектлари хисобланган биноларни ўққа тутиш натижасида 80 дан ортиқ аскар ва полициячилар ўлдирилди. Асют шаҳрига армиянинг қуролли кучлари киритилгандан кейин шаҳарни экстремистлардан озод қилишга муваффақ бўлинди (Кудрявцев А.).

XXI асрга келиб, “ал-Жамоат ал-исломия” ҳаракати ўзларини мўътадил гурух сифатида намоён этишга ҳаракат қилди. Жумладан, 1999 йилда “қуролли курашни тўхтатиши” бўйича баёнот берилиб, бир неча мурожаатлар чоп этилди. Бунда “ал-Жамоат ал-исломия” етакчилари “Тушунчаларни тўғрилаш” (تصحیح المفاهیم) рукни остида гурухнинг тарихи, фаолияти таҳлил қилиниб, 1980–1990 йилларда рўй берган воқеалар бир томонлама экани, Анвар Содатнинг ўлими хатолик туфайли рўй бергани, “ал-Қоида” ҳаракатлари қораланишига лойик, деган фикрларни баён этган.

Хатто, 2006 йил август ойида Усома бин Лодиппинг ўша вақтдаги ёрдамчиси Айман Завоҳирий “ал-Қоида” гурухига “ал-Жамоат ал-исломия” уюшмаси қўшилаётганини эълон қилганида жамоа аъзолари бунинг бўхтон эканини айтиб, очик-ойдин бу хабарни инкор этишган (<http://www.alarabiya.net/Articles/2006/08/06/26358.htm>). 2005 йил 9 январда мамлакат ички ишлар вазири Хабиб Адлийнинг маълум қилишича, “ал-Жамоат ал-исломия” гурухининг ҳарбий қаноти раҳбари Мустафо Ҳамза қўлга олинган (<http://www.alarabiya.net/Articles/2006/08/06/26358.htm>). У Миср ҳукумати томонидан қидирилаётган террорчилар рўйхатида Айман Завоҳиридан сўнг иккинчи ўринда турган.

Бугунги кунда асосан Мисрдан ташқарида фаолият юритаётган “ал-Жамоат ал-исломия” ташкилоти террористик ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан мамлакатдаги вазиятни бекарорлаштиришга уринмоқда. Миср хавфсизлиги кучлари баён этишича, мазкур гурух нафақат “ал-Қоида” ташкилоти, балки Буюк Британия, Германия, Швейцария ва бошқа ғарб мамлакатларидағи “хайрия фонди” каби жамғармалар томонидан молиялаштириб келинганд.

3. “Жиҳод” (جهاد) – 1970 йилларнинг охирида Мисрда ташкил топган. “Ислом жиҳоди”, “Янги жиҳод гуруҳи”, “Миср ислом жиҳоди” деган номлари ҳам бор. Ташкилотнинг асосий мақсади Миср ва бошқа мамлакатлarda зўровонлик билан исломий давлатлар тузишдан иборат.

Ушбу гурухнинг ilk раҳбари “Мусулмон биродарлар” аъзоси Қоҳира университети битирувчиси, инженер Мухаммад Абдуссалом Фараж бўлган. У “ислом давлатини қуриш” ғояси остида ҳукумат билан қураша оладиган ҳарбий турдаги ташкилот тузишни мақсад қилган ва бунда асосан 20–30 ёшдаги кишиларни ўз сафига жалб этган.

Абдуссалом Фаражнинг ўз ғоялари ва турли диний мазмундаги китоблардан йиғилган маълумотлар асосида ёзилган “Яширин бурҷ” (الفریضۃ الغائبۃ) китоби “ал-Жиҳод” ташкилотининг расмий дастурига айланди. Фаражнинг назарда туттган ғойиб фарз – бу жиҳод бўлиб, унда Аллоҳнинг шариати билан бошқариладиган исломий жамият қуриш йўлида барча мусулмонларни бирлашишга чакиради (Салоҳ Абу ас-Саъуд., 2005:254-255). Унинг бу китобни ёзишида Ибн Таймия ва Сайид Кутб фикрлари кучли таъсир этган.

1981 йил 6 октябрда “ал-Жиҳод” ташкилотининг аъзоси бўлган Холид Исломбулий бошчилигидаги гурух 1973 йилги урушдаги ғалабага бағишлиланган ҳарбий парад вақтида Президент Анвар Садат турган минбар томон ҳужум қилиб, Президент билан бирга 8 нафар киши қатл этилди, 28 нафари тан жароҳати олди.

Режага кўра, Мисрнинг бошқа ҳукумат раҳбарлари ҳам йўқ қилиниши, шаҳардаги муҳим обьектлар қўлга олиниши керак эди. Суиқасднинг ташкилотчиси бўлган “ал-Жиҳод” уюшмасининг раҳбари Мухаммад Абдуссалом Фаражнинг таъкидлашича, бу суиқасдан мақсад фақатгина президентни ўлдириш эмас, балки мамлакатда сиёсий тўнтаришни амалга ошириш учун қулай шароит яратиш эди (Ёвқочев Ш., Раҳимжонов Д., 2010:120). Мамлакат президенти Анвар Садатнинг ўлдирилиши шов-шувли ҳодиса бўлган эди. Бироз саросимадан сўнг, мамлакат хавфсизлик кучлари “ал-Жиҳод” ташкилоти аъзоларини хибсга олдилар.

1982–1983 йилларда Мисрда “Жиҳод” ташкилоти иши бўйича бир неча суд жараёнлари кўриб чиқилди. Мамлакат президенти ўлимни ва Асют воқеаларига нафақат “ал-Жиҳод” ҳаракати, балки “Мусулмон биродарлар”, “ал-Жамоат ал-исломия” аъзолари ҳам айбдор, деб топилди. Ташкилот раҳбари Абдуссалом Фараж қатл этилди. Шунингдек, Холид Исломбулий ўлим жазосига, бошқалар эса турли муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

1984 йилда ташкилот тарихида янги босқич бошланди ва ҳаракат аъзоларининг ўзаро келишмовчилиги натижасида иккига бўлиниб кетди. Биринчи гурух Аббуд аз-Зумр бошчилигига “Ислом жиҳоди” номи билан аталди. Иккинчи гурух эса Усома бин Лодиннинг энг яқин сафдоши Айман Завоҳирий бошлик “ал-Жиҳод ал-жадид” (“Янги муқаддас уруш”) ҳаракати эди.

Бу давр мобайннида ташкилот фаолияти анча сусайди, улар асосий эътиборни ўз тараффорларини сақлаб қолишга, ҳарбий таркибини кучайтиришга қаратдилар. 1990-йилларнинг бошида, улар ҳатто Нобель мукофоти совриндори, машҳур ёзувчи Нажиб Махфуз (1911–2016) га ҳам суиқасд уюштиридилар (Бирюков Е., 2000:30). 1993 йилдан бошлаб, “Ал-Жиҳод ал-жадид” ташкилоти ҳукумат раҳбарларига қарши очиқласига террорчиллик ҳаракатларини бошлаб юборди ва ўша иили 18 августда Миср Ички ишлар вазири Ҳасан Алфийга тан

жароҳати етказилди ва 5 киши ўлдирилди. 1993 йил 25 ноябрда мамлакат бош вазири Отиф Сидқийга сунқасд уюштирилди, гарчи бош вазирга хеч қандай талофат етмаган бўлсада, лекин атрофдаги 18 киши вафот этди (Аль-Джихад).

“Ал-Жиҳод” гуруҳининг мамлакатдаги фаолият доираси Қохира, Искандария ва Ниль дельтасини қамраб олган. Шунингдек, ҳаракат аъзолари Эрон, Судан, Покистон, Ливан ва Афғонистондаги тарафдорлари билан яқин алоқада бўлган.

4. “Ислом озодлик партияси” (حزب التحریر) 1953 йилда “Мусулмон биродарлар” аъзоси фаластинлик Тақийюддин Набаҳоний (1909-1979) томонидан Куддус шаҳрида ташкил этилган. Баъзи манбаларда ташкилотнинг пайдо бўлишини 1952 йилда деб келтирилган (Мониъ ибн Ҳаммод ал-Жуханий.).

Хукуқшунос олим М.Ражабова ўз тадқиқот ишида Тақийюддин Набаҳоний “Мусулмон биродарлар” етакчиси Саййид Қутб билан ғоявий келишимовчилик натижасида уюшмадан ажралиб чиққанини билдирган (Ражабова М., 2000:49). Айнан бу фикр қўплаб тадқиқотларда ўз тасдиғини топган.

Тақийюддин Набаҳоний 1948 йилда Истроил давлати ташкил этилгандан кейин оиласини олиб, Фаластиндан Байрутга кўчган. “Мусулмон биродарлар”нинг Иорданиядаги бўлими раҳбари сифатида фаолият юритиб, Ҳасан Банно ғояларини доимо қўллаб келган. Набаҳоний фикрича, Саййид Қутб Ҳасан Баннонинг дастурий қоидаларидан чекинган, шу сабабли у ташкилотни тарқ этиб, ўз ғояларини амалга ошириш мақсадида мустақил партия тузишга қарор қилган.

Демак, Ҳасан Банно ва Тақијуддин Набаҳоний қарашлари тўлиқ мос келган. Шу боис Баннонинг ўлимидан сўнг ташкилотга Саййид Қутб келиб, тузилманинг йўналиши ўзгаргач, Набаҳоний унинг сафини тарқ этишни маъқул кўрган.

Манбаларда таъкидланишича, 1953 йилда Саййид Қутб Куддусга келганида, Тақийюддин Набаҳоний билан учрашиб, уни бирлашишга чақирган. Лекин Набаҳоний ўз фикридан қайтмаган. Шунда Саййид Қутб “Уларни (“Хизбут-тахрир” жамоасини) қўяверинглар! Охир-оқибат “Мусулмон биродарлар” бошлаган жойга етиб борадилар”, деган фикрни билдирган (Мониъ ибн Ҳаммод ал-Жуханий., 2003:341).

Дастлаб, “Хизбут-тахрир” партиясининг асосини “Мусулмон биродарлар”нинг Фаластиндаги бўлими аъзолари ташкил қилган (Салоҳ Абу ас-Саъуд., 2005:257). Шу сабабли, мазкур ташкилот Набаҳоний бошчилигида Фаластинни озод қилишни мақсад қилган. Кейинчалик “Мусулмон биродарлар” ҳаракатининг “ислом давлатини қуриш” ва сultonлик бошқарувини жорий қилиш ҳақидаги ғоя Набаҳоний томонидан қайта ишланган. У ушбу ғояни кенгроқ талқин қилиб, бутун ер юзида ягона ислом давлатини ташкил этиш ғоясини илгари сурган. Бу борада партиянинг тарғибот ишларига пухта ва жиддий эътибор қаратилган.

Ушбу ташкилот ўз фаолиятида “Мусулмон биродарлар” тузилмасининг қарашларини кенг тарғиб қилиш ва давлатни сиёсий бошқаришга аралашиш, қонуний ҳукуматни тўнтаришни босқичма-босқич амалга ошириш орқали “ислом давлати” ўрнатишга интилиб келди. Лекин дастлаб “Мусулмон биродарлар” ҳукуматни қўлга олишда очиқ кураш, зўравонлик, террорчилик йўлидан борган бўлса, “Хизбут-тахрир” асосан ғоявий, мафкуравий кураш услубини қўллаган ҳолда, давлат тўнтариши орқали ҳокимиятни қўлга киритиш ҳамда сultonлика асосланган тузум ўрнатишни асосий мақсад сифатида илгари сурди.

Шу билан бирга, Тақийюддин Набаҳоний адабиётларни нашр этиш ишларига раҳбарлик қилди. У ўз ҳаракат доирасини кенгайтириш мақсадида Иордания, Сурия ва Ливан давлатларида кўп маротаба сафарда бўлган. 1977 йил февралда унинг вафотидан сўнг, “Хизбут-тахрир”га фаластинлик Абдулқадим Заллум (1925–2003) бошчилик қилди. У Тақийюддин Набаҳонийнинг таълимотини янада ривожлантириди. Сultonлика асосланган тузум ўрнатишда куч ишлатишдан фойдаланишга даъват этди. Унинг раҳбарлиги даврида ташкилот собиқ Иттифоқ таркибиға кирган республикалардаги (асосан Марказий Осиё) диний ва этник зиддиятлардан фойдаланиб, ўзининг фаолиятини жадаллаштириди.

2003 йилдан ҳаракатга фаластинлик Ато Абу Рашта (1943 йилда туғилган) раҳбар этиб тайинланди. 1990-йилларда Иордания давлатида конституциявий тузумга қарши чиқиши ҳамда аҳолини зўравонликка ташвиқот қилгани учун бир неча бор қамоққа олинган. Айнан унинг бошчилигида “Хизбут-тахрир” уюшмаси

террорчилек амалиётларини қўллаб-кувватлаб, АҚШ, Истроил, Европа иттифоқи ва Россияяга қарши қуролли “жиход” эълон қилди. Гарчи “Хизбут-тахрир” ўз фаолиятида факат ғоявий кураш усулларидан фойдаланишини эълон қилса-да, ташкилот мафкурасини ифодаловчи хужжатлар ҳамда унинг фаолларининг бир қатор давлатларда конституциявий тузумга қарши қаратилган террорчилек амалиётларида иштирок этгани бунинг аксини кўрсатади (Закурлаев А., 2010:5).

Моҳияттан “Мусулмон биродарлар”дан унчалик фарқ қилмаган ушбу партиянинг асосий вазифаси террорчи тузилмаларга жангарилаарни тайёрлаб бериш билан шуғулланиб келди. Худди “Мусулмон биродарлар” билан бўлганидек, махсус хизматлар бозорида жангарилаарга талаб бўлмаган ҳолларда партиянинг ўзи тўғридан-тўғри қўпорувчиликни амалга ошира оладиган уюшмалар тузди. Бу охир-оқибатда “Мусулмон биродарлар” бор жойда “хизбчилар”, “хизбчилар” бор жойда “Мусулмон биродарлар”нинг фаолият кўрсатмаслигида намоён бўлган таъсири доирасини бўлиб олишдек амалиётнинг шаклланишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2016 йил 26 сентябрдаги қарори билан “Хизбут-тахрир” диний экстремистик ҳаракати фаолияти Ўзбекистон худудида таъқиқланган ташкилотлар рўйхатига киритилган ([https://www.minjust.uz/uz/interactive/terror\\_reestr/?ELEMENT\\_ID=100424](https://www.minjust.uz/uz/interactive/terror_reestr/?ELEMENT_ID=100424)).

### НАТИЖА

Юқорида қайд этилган деструктив ташкилотларининг қиёсий таҳлили асосида қўйидагилар аникланди:

“Мусулмон биродарлар” уюшмаси замонавий террорч ташкилотлар учун мутаассибраҳнамолар ва етакчиларни тайёрлаб берувчи “конвойер” вазифасини бажарган. Хусусан, “Мусулмон биродарлар” аъзолари саналган мисрлик Шукрий Мустафо “ат-Такfir вал-хижра”, Маҳмуд Абу Зайд Усмон “Шабоб Мухаммад”, фаластинлик Тақийюддин Набаҳоний “Хизбут-тахрир ал-исломий” ташкилотига асос солган бўлса, кейинчалик “Жиход амири” номини олган Умар Абдураҳмон “ал-Жамоат ал-исломия” ҳаракати, Мухаммад Абдуссалом Фараж эса “ал-Жиход” ташкилотининг раҳбарларига айланганлар. Улар

Ҳасан Банно ва Сайид Қутбни ўзларининг “маънавий раҳбари”, деб эътироф этгандар.

Шу бирга, бошланғич ташкилий тузилма ҳар қандай экстремистик ташкилотларнинг асосий таянч нуқтасига айланган. Бундай ячейкалар “Мусулмон биродарлар”да “оила” номини олган бўлса, “ат-Такfir ва-л-хижра” каби ҳаракатларда “гурух”, “Хизбут-тахрир” уюшмасида “халқа”, деб аталган.

“Мусулмон биродарлар” ўз фаолиятининг дастлабки босқичида 40 кишидан иборат “жамоа”лардан ташкил топган эди. Бироқ ташкилот аъзолари сонининг кескин суратда ошиши уларнинг фаолияти устидан назорат қилишда қийинчиликларни келтириб чиқарди. Ҳукумат томонидан “Мусулмон биродарлар”га қарши кураш бошланган шароитда 40 кишидан иборат “жамоа”ларнинг мавжудлиги уларнинг изига тушиш, таъкиб қилиш ва фош этиш имкониятини оширап эди. Ана шундай омиллар таъсирида ташкилотнинг таркибий тузилмаси ўзгариб, 5-10 кишидан иборат кичик-кичик гуруҳлар ташкил қилинди.

Бундай ўзгаришлар натижасида “Мусулмон биродарлар”нинг таркибий тузилмасида кучли иерархik тизимга эга “оилавий” пирамида шаклланди (Ёвковеч Ш., 2000:156-158). Мазкур тузилма “оила” (أُيُلَاءِ)، “қабила” (عَشْرَةَ)، “гурух” (رَحْتَ)، “жамоа” (جَمَاعَةَ) ва “катта оила” каби тармоқларни ўз ичига олади (Ҳаммод Маҳмуд Исмоил., 2010:312).

Бошланғич тармоқ ҳисобланган “оила” 10 кишидан иборат бўлиб, уни аъзолар томонидан сайланган саркор бошқаради. Ўз навбатида тўртта “оила” “қабила”га бирлашади. 40 кишидан иборат бўлган “қабила”га биринчи “оила”нинг саркори раҳбарлик қиласи. Кейинги даражада бешта “қабила” кўшилиб 200 кишидан таркиб топган “гурух”ни, бешта “гурух” бирлашиб, минг кишидан иборат “жамоа” (отряд)ни ташкил қиласи. “Гурух” раҳбари бўлган “оға” беш “қабила” саркорлари ичидан сайланади. “Жамоа”ни эса бешта “гурух”нинг “оға”ларидан бири бошқарив, унга “катта оға” номи берилади. Натижада барча “жамоа”ни бирлаштирувчи “катта оила” ҳосил бўлиб, унинг бошқарувчиси “ота” номини олади ва бевосита бош раҳбарга бўйсунади.

Бундай маҳфий иерархikтизим ташкилотнинг ҳар бир аъзоси устидан қучли назорат ўрнатилиши ҳамда бошқарувни катъий субординация орқали ташкил этишнинг механизми яратилишига олиб

келган. Мазкур механизмнинг ўзига хослиги қаттиқ интизом ва ягона бошқарув кўлидадир.

## ХУЛОСА

Тадқиқот жараёнида “Мусулмон биродарлар” ташкилотига хос бўлган иерархик тузилма бошқа экстремистик ҳаракатлар фаолиятида ҳам кузатилгани аниқланди. “Ал-Жамоат ал-исломия”нинг юқори бошқарув органи “Маслаҳат кенгаши” (مجلس الشورى) бўлган. Шунингдек, “Хизбут-тахрир”, “Акромийлар” каби уюшмаларнинг қуии поғонаси “оила” тармоғи каби 4–5 ёки 3–12 кишидан иборат “халқа”лардан ташкил топгани улар учун “Мусулмон биродарлар” ташкилоти намунавий модель бўлиб хизмат қилганини кўрсатади. “Хизбут-тахрир” ташкилоти 4–5 кишидан иборат бўлган халқаларга бўлиниб, асосан ғоявий, мафкуравий кураш услубини қўллаган.

Натижада “Мусулмон биродарлар”га хос тизимлашган бошқарув иерархияси ва дастурий мақсадлари “Хизбут-тахрир” сингари экстремистик ташкилотларнинг услугубарига бевосита таъсир этган. Шу йўл орқали “Мусулмон биродарлар” ташкилоти энг кенг тарқалган бошқарув иерархияси тизимини яратган.

Мазкур тизимнинг асосчиси Ҳасан Баннони маълум маънода амалий лойиҳалар тузувчиси ва ҳокимиятга қарши курашиш технологиясини ишлаб чиқсан биринчи профессионал инқилобчи деб аташ мумкин. У уюшманинг ташкилий тузилмаси методларини ишлаб чиқсан ҳолда шароит ва вазиятдан келиб чиқиб, мунтазам янги шаклларни қидирар эди. Ҳасан Баннонинг фикрича, ҳаракат етакчисининг энг яхши хислатларидан бири “Усул ва воситаларда топқирлик”, “диний тафаккурни кучайтириш мақсадида мавжуд усусларини топа билиш” да маҳорат ва фаоллик лозим (Ҳасан ал-Банно, 1981:144–145). Бу кўп жиҳатдан Ҳасан Баннонинг шахсан ўзи томонидан ташкилий масалаларнинг ҳал қилиниши ва ташкилотнинг сиёсий стратегияси ишлаб чиқилиши жараёнида намоён бўлган етакчилик сифатларига боғлиқ бўлди.

Шубилан бирга, “Мусулмон биродарлар”нинг нафақат Мисрда, балки бошқа давлатларда шу ном билан боғлиқ гурухлар ёки уларнинг йўналишига мос, аммо номланиши турлича бўлган уюшмалар таркибида ҳам фаолият олиб борганини кузатиш мумкин.

Жумладан, “Мусулмон биродарлар” Жазоирда “Даъватчилар” (أهل الدعوة), (حركة) Суданда “Ислом йўналиши ҳаракати” (التجهيز الإسلامي) ёки “Исломий қарашлар” (الاتجاه الإسلامي), “Миллий ислом фронти” (المجتمعية الإسلامية), “Ислом хартияси фронти” (الجنة الميثاقية), Сурияда “Жанговар авангард” (المطليعة المقاتلة), Кувайтда “Ижтимоий ислоҳот жамияти” (جمعية الإصلاح الاجتماعي) ҳамда Ливан, Тунис, Иордания, Ливия, Покистонда экстремистик ва террористик ташкилотлар пайдо бўлишига ҳам асос бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқотда таҳлил этилган “ал-Жамоат ал-исломия”, “ал-Жиход”, “Шабоб Муҳаммад”, “ат-Такfir вал-хижра” ҳамда Марказий Осиё минтақасида фаолияти кузатилган “Хизбут-тахрир ал-исломий” каби диний-сиёсий ташкилотларнинг фаолият услублари, йўналишлари, ташкилий тузилмаларининг қиёсий таҳлили мазкур оқимларни бир-бирига ўзаро алоқадор эканидан далолат беради.

Демак “Мусулмон биродарлар” уюшмаси таъсирида шаклланган диний-сиёсий ташкилотлар фаолиятининг таҳлили, уларнинг нафақат бир мамлакат доирасида, балки бутун дунёда ижтимоий барқарорликнинг издан чиқиши, миллатлароро ва динлароро адоват, миллатчилик ва диний айрмачилик кайфиятларининг шаклланишига замин яратгани ҳақида хулоса чиқариш имконини беради.

## МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ражбадинов М.З. (2003). Радикальный исламизм в Египте (на примере деятельности организаций “Аль-Джихад” и “Аль-Гамаа аль-исламий”). Москва.
2. Жамоат Шабоб Муҳаммад. <http://www.anhri.net/reports/islamic-map/map/07.shtml>
3. Коровиков А. (1990). Исламский экстремизм в арабских странах. Москва: Наука,
4. Салоҳ Абу ас-Саъуд. (2005). Ал-Маржъа ал-комил фи-л-Фирақ ва-л-Жамаат ва-л-Мазаҳиб ал-исламия. Қоҳира: Мактабат ан-Нафиза.
5. Мониъ ибн Ҳаммод ал-Жуҳаний. Ал-Мавсугат ал-Муяссыра фи-л-адён ва-л-Мазоҳиб ва-л-Аҳзоб ал-Муосира // Ишроф ва таҳтит ва мурожаат. Ар-Риёд: Дор ан-надва ал-Оламия, 2003.
6. Ёвқочев Ш.А. (2000). Политизация религии и проблема исламского экстремизма в современном Египте. Дисс. ...канд. полит. наук. –Ташкент: ТашГИВ.
7. Салоҳ Абу ас-Саъуд. (2005). Ал-Маржъа ал-комил фи-л-Фирақ ва-л-Жамаат ва-л-Мазаҳиб ал-исламия. Қоҳира: Мактабат ан-Нафиза.

8. Бирюков Е. (2000). Исламский радикализм в Египте. Материалы научной конференции, посвященной памяти В.В.Посувалюка “Арабский мир на рубеже III тысячелетия”. Москва: ИСАА при МГУ.
9. Мониъ ибн Ҳаммод ал-Жуҳаний. (2003). Ал-Мавсұат ал-мұяссыра фи-л-адён ва-л-мазоҳиб ва-л-аҳзоб ал-мұосира // Ишроф ва таҳтит ва мурожаат. Ар-Риёд: Дор ан-надва ал-оламия.
10. Кудрявцев А.В. “Аль-Гамаа аль-исламийя”. Хроники исламского террора. <http://mishmar.info/“al-gamaa-alislamiyea”.-xroniki-islamskogo-terrorra.html>
11. Ҳасанов А. “Жамоати исломий” // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ж. 3.
12. Gilles Kepel. (1993). Le Prophète et Pharaon: Aux sources des mouvements islamistes. Paris: Seuil.
13. Кудрявцев А. “Аль-Гамаа аль-исламийя”. Хроники исламского террора. <http://mishmar.info/“al-gamaa-alislamiyea”.-xroniki-islamskogo-terrorra.html>
14. “Ал-Ахбор” газетаси. 2005 йил 10 январь.
15. Салоҳ Абу ас-Саъуд. (2005). Ал-Маржә’ ал-комил фи-л-ғирақ ва-л-жамаат ва-л-мазаҳиб ал-исламия. Қоҳира: Мактабат ан-нағиза.
16. Ёвқочев Ш., Рахимжонов Д. ва бошқ. (2010). Ислом ва ҳозирги замон. Тошкент: Тошкент ислом университети.
17. Ражабова М. (2000). Диний экстремизм ва террорчиллик: унинг илдизи қаерда? Мақсади нима? Унга қарши курашиб керак? Тошкент: Янги аср авлоди.
18. Мониъ ибн Ҳаммод ал-Жуҳаний. (2003). Ал-Мавсұат ал-мұяссыра фи-л-адён ва-л-мазоҳиб ва-л-аҳзоб ал-мұосира // Ишроф ва таҳтит ва мурожаат. Ар-Риёд: Дор ан-надва ал-оламия.
19. Салоҳ Абу ас-Саъуд. (2005). Ал-Маржә’ ал-комил фи-л-ғирақ ва-л-жамаат ва-л-мазаҳиб ал-исламия. Қоҳира: Мактабат ан-нағиза.
20. Закурлаев А. (2010). Ўзбекистон ривожига таҳдид солаётган ғайриконуний диний оқим ва террорчиллик ташкилотлари. Тарикатчилик, аслият ва моҳият. Тошкент.
21. [https://www.minjust.uz/uz/interactive/terror\\_reestr/?ELEMENT\\_ID=100424](https://www.minjust.uz/uz/interactive/terror_reestr/?ELEMENT_ID=100424)
22. Ёвқочев Ш. (2000). Политизация религии и проблема исламского экстремизма в современном Египте. Дисс. ...канд. полит. наук. –Ташкент: ТашГИВ.
23. Ҳаммод Маҳмуд Исмоил. (2010). Ҳасан ал-Банно ва жамоат ал-іхвон ал-мұслимин байна-д-дин ва-с-сиёса (1949–1982). Қоҳира: Дор аш-шурӯқ.
24. Ҳасан ал-Банно. (1981). Мажмуат ар-расоил. – Қоҳира.
25. [http://en.wikipedia.org/wiki/Takfir\\_wa-Hijra#Activities](http://en.wikipedia.org/wiki/Takfir_wa-Hijra#Activities)
26. <http://mamdouhalshikh.friendsofdemocracy.net/default.asp?item=177129>
27. <http://www.alarabiya.net/Articles/2006/08/06/26358.htm>

## REFERENCES

1. Rajbadinov M. (2003). Radikalnyy islamizm v Yegipte (na primere deyatelnosti organizasiy “Al-Djihad” i “Al-Gamaa al-islamiyya”) Moscow.
2. Jamoat Shabab Muhammad. <http://www.anhri.net/reports/islamic-map/map/07.shtml>.
3. Korovikov A. (1990). Islamskiy ekstremizm v arabskix stranax. Moskva: Nauka publishing house.
4. Saloh Abu as-Sa’ud. (2005). Al-Marja’ al-komil fi-l-firaq va-l-jamaat va-l-mazahib al-islamiya. Cairo: Maktabat an-nafiza.
5. Moni’ ibn Hammod al-Juhaniy. (2003). Al-Mavsuat al-muyassara fi-l-adyon va-l-mazohib va-l-ahzob al-muosa / Ishrof va taxtit va murojaat. Ar-Riyod: Dor an-nadva al-olamiya.
6. Yovkochev Sh. (2000). Politizasiya religii i problema islamskogo ekstremizma v sovremennom Yegipete. Diss. ...kand. polit. nauk. Tashkent: TashGIV.
7. Saloh Abu as-Sa’ud. (2005). Al-Marja’ al-komil fi-l-firaq va-l-jamaat va-l-mazahib al-islamiya. Cairo: Maktabat an-nafiza.
8. Biryukov Ye. (2000). Islamskiy radikalizm v Yegipete. Materialy nauchnoy konferensii, posvyashchennoy pamjati V.V. Posuvalyu “Arabskiy mir na rubeje III tysyacheletiya”. Moskva: ISAA pri MGU.
9. Moni’ ibn Hammod al-Juhaniy. (2003). Al-Mavsuat al-muyassara fi-l-adyon va-l-mazohib va-l-ahzob al-muosa / Ishrof va taxtit va murojaat. Ar-Riyod: Dor an-nadva al-olamiya.
10. Kudryavsev A. “Al-Gamaa al-islamiyya”. Xroniki islamskogo terrorra. <http://mishmar.info/“al-gamaa-alislamiyea”.-xroniki-islamskogo-terrorra.html>
11. Hasanov A. “Jamoati islomiy”//National encyclopedia of Uzbekistan. Vol. 3.
12. Gilles Kepel. (1993). Le Prophète et Pharaon: Aux sources des mouvements islamistes. Paris: Seuil.
13. Kudryavsev A. “Al-Gamaa al-islamiyya”. Xroniki islamskogo terrorra. <http://mishmar.info/“al-gamaa-alislamiyea”.-xroniki-islamskogo-terrorra.html>
14. “Al-Axbor” newspaper. January 10, 2005.
15. Saloh Abu as-Sa’ud. (2005). Al-Marja’ al-komil fi-l-firaq va-l-jamaat va-l-mazahib al-islamiya. Cairo: Maktabat an-nafiza.
16. Yovqochev Sh., Rahimjonov D. and others. (2010). Islom va hozirgi zamон. Tashkent: Tashkent Islamic University publishing house.
17. Rajabova M. (2000). Diniy ekstremizm va terrorchilik: uning ildizi qayerda? Maqsadi nima? Unga qarshi kurashish kerak? Tashkent: "Yangi asr avlodи" publishing house.
18. Moni’ ibn Hammod al-Juhaniy. (2003). Al-Mavsuat al-muyassara fi-l-adyon va-l-mazohib va-l-ahzob al-muosa / Ishrof va taxtit va murojaat. Ar-Riyod: Dor an-nadva al-olamiya publishing house.
19. Saloh Abu as-Sa’ud. (2005). Al-Marja’ al-komil fi-l-firaq va-l-jamaat va-l-mazahib al-islamiya. Cairo: Maktabat an-nafiza publishing house.

20. Zakurlayev A. (2010). O'zbekiston rivojiga tahdid solayotgan g'ayriqonuniy diniy oqim va terrorchilik tashkilotlari. Tariqatchilik, asliyat va mohiyat. Tashkent.
21. [https://www.minjust.uz/uz/interactive/terror\\_reestr/?ELEMENT\\_ID=100424](https://www.minjust.uz/uz/interactive/terror_reestr/?ELEMENT_ID=100424)
22. Yovkochev Sh. (2000). Politizasiya religii i problema islamskogo ekstremizma v sovremennom Yegipete. Diss. ...kand. polit. nauk. Tashkent: TashGIV.
23. Hammod Mahmud Ismoil. (2010). Hasan al-Banno va jamoat al-ixvon al-muslimin bayna-d-din va-s-siyosa (1949–1982). Cairo: Dor ash-shuruq.
24. Hasan al-Banno. (1981). Majmuat ar-rasoil. Cairo.
25. [http://en.wikipedia.org/wiki/Takfir\\_wal-Hijra#Activities](http://en.wikipedia.org/wiki/Takfir_wal-Hijra#Activities)
26. <http://mamdochhalshikh.friendsofdemocracy.net/default.asp?item=177129>
27. <http://www.alarabiya.net/Articles/2006/08/06/26358.htm>



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ  
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНинг  
“МОТУРИДИЙЛИК” ЖУРНАЛИ

Мазкур нашр олий ўкув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, докторантлари, мустакил тадқиқотчилари, магистрантлари, талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тахририят фикри муаллиф нуқтаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.  
Журналдан кўчирма олинганда манба қайд этилиши шарт.

# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - ماتریدیت - Матуридизм

2/2023

Бош муҳаррир: Ж.Каримов

Муҳаррир: З.Фахриддинов

Нашр учун масъул: З.Арслонов

Чет тилларидаги матнлар муҳаррири: О.Сотволдиев

Дизайнер-саҳифаловчи: З.Ғуломов

**Манзилимиз:** Ўзбекистон халқаро ислом академияси Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази,  
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.

**Тел:** (+99871) 244-35-47, (+99871) 244-35-36. **Web:** [www.maturidijournal.uz](http://www.maturidijournal.uz)  
**E-mail:** [info@moturidiy.uz](mailto:info@moturidiy.uz)

Нашриётнинг лицензия рақами AI № 0011. 06.05.2019 йил.

Босишга 27.06.2023 йил рухсат этилди. Бичими 60×84 %.

Ризограф усулда босилди. Шартли босма табоғи 10,2.

Нашр табоғи 10,4. Буюртма № 06.

Баҳоси шартнома асосида.

“Ўзбекистон халқаро ислом академияси ”  
нашриёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.  
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.